

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>М.Ҳайдаров</b>	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва	
моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b>	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни .....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган	
ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b>	
Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари	
темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли	
манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b>	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b>	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b>	
Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b>	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b>	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар	
майдонининг қиёсий тадқиғи .....	144
<b>Н. Умарова</b>	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм	
структураси.....	149
<b>Г.Розикова</b>	
“Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши .....	155
<b>А.Базарбаева</b>	
Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b>	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b>	
Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b>	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг	
шаклланиши .....	172
<b>Б.Сулаймонов</b>	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b>	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш	
тамоийллари .....	180
<b>Г.Сайдова</b>	
Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва	
воситалари .....	184

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов</b>	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК: 371.24

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ

ПРИНЦИПЫ ВЫБОРА И РАЗРАБОТКИ УЧЕБНЫХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ ИЗУЧЕНИЯ  
ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

PRINCIPLES OF MATERIAL SELECTION AND DEVELOPMENT FOR LANGUAGE LEARNING

Ф.Тошпўлатова<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ф.Тошпўлатова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон таълим тизимида қўлланилаётган инглиз тили ўқув адабиётлари чуқур таҳлил қилинган, ўқув дарслуклари, адабиётлар ҳамда замонавий ўқув материалларини лойиҳалаштиришининг асосий тамойиллари ўрганилган. Шу асосда чет тили ўқув материалини тузиш бўйича тавсия ва таклифлар берилган.

**Аннотация**

В статье всесторонне проанализированы принципы выбора и разработки учебной литературы по английскому языку, применяемой в системе образования Узбекистана, а также изучены основные принципы проектирования современного учебного материала. На основе данных принципов разработаны и представлены рекомендации и предложения по составлению учебного материала по иностранному языку.

**Annotation**

This paper analyzes foreign language-learning materials, textbooks, which have been used widely in Uzbekistan. It has presented six principles for designing language materials. On the bases of these principles, we developed recommendations and offers for materials development.

**Таянч сўз ва иборалар:** чет тили ўқув материалари, чет тилини ўқитиши принциплари, ўрганиш, ўзлаштириш, чет тили ўқув материалини тузиш.

**Ключевые слова и выражения:** учебный материал по иностранному языку, принципы обучения иностранному языку, изучение, овладение, составление учебного материала по иностранному языку.

**Key words and expressions:** language-learning material, principles of language learning, learning, acquisition, designing language learning material.

Жаҳонда халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган[7]. Дунё таълим тизимида электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиб, фанларнинг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожланиши, машғулотларда мультимедиа, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда ва оммавий фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда чет тилини ўргатишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар, замонавий чет тили ўқув материаллари билан таъминлаш масалалари бу соҳада илмий

изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Инглиз тили глобал/ халқаро тил сифатида қўлланилаётганини эса инкор этиб бўлмайди. Ўзбекистонда ҳам инглиз тилини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақолада айнан қайси турдаги ўқув материаллари орқали чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Чет тилини ўргатиш тизимида ўзбек ўрганувчилари учун мос материаллар танлай олиш инглиз тилини ўқитишда муҳим аҳамият касб этиши, уларнинг қандай талабларга жавоб бериши кераклиги тўғрисида мълумотлар келтирилди.

Бугунги кунда чет тилини ўрганувчилар бозор ва интернет таклиф этаётган ўқув адабиётларидан фойдаланмоқда. Аммо мукаммал дизайн асосида яратилган бу каби ўқув адабиётлари ва материаллари чет тилини тўлиқ ўзлаштириш имконини бериш

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ёки бермаслик масаласи ҳам чет тилини ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Р.Болито, Ж.Арнольд, Б.Томлинсон, И.Макграсс, С.Крашен каби лингводидакт олимлар томонидан чет тили бўйича ўқув материалини тузишга оид бир қатор эътиборга лойик нашрлар пайдо бўлди. Томлинсон таъкидлаганидек, кўплаб тажрибали муаллифлар “айнан шу самарали” деган ўзларининг шахсий тушунчаларига таяниб, репертуарларидаги машқлардан такрор фойдаланадилар. Жуда оз сонли муаллифлар ўқув адабиётларини тузишда чет тилини ўрганиш принципларини ҳисобга оладилар ёки мавзуларнинг тизимли ва мазмунан боғланиши кераклигига амал қиласдилар. Жуда кўплаб муаллифлар эса аниқ тақдимот, амалий машқларга бой материаллар чет тилини ўзлаштиришни таъминлай олади, деб тахмин қиласдилар. [7]

Ваҳоланки, ўқув-методик таъминотнинг муайян илмий принципларга асосланган ҳолда яратилиши жаҳон миқёсида чуқур таҳлил этилган. АҚШлик профессор С.Крашеннинг қуйидаги принципларни тавсия этганлиги маълум:

**Acquisition/Learning distinction Hypothesis** – Ўзлаштириш ва ўрганишни фарқлаш принципи.

**The Natural Order Hypothesis** – Табиий кетма-кетлик принципи;

**The Monitor Hypothesis** – Катта ёшли ўрганувчиларнинг чет тили мазмунини тушуниб ўрганишини фақат “кузатувчи” ёки “ижрочи” вазифасини бажарувчисига қиёслаш мумкин, бу йўл орқали тил қисман ўрганилади ва бу, чет тилидан эркин фойдаланишни ўрганиш имконини бермайди.

**The Input Hypothesis** – “Инсон тилни бир йўл орқали ўзлаштиради, яъни ахборотларни тушуниш ёки ахборотнинг умумий маъносини англаш. Бунга кўра агар чет тилини ўрганиш маънони тушунишга йўналтирилса, қоидалар ҳам осон ва тез ўзлаштирилади..”

**The Affective Filter Hypothesis** – Чет тилини ўрганишга руҳий таъсир этувчи омилларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш.

The input hypothesis чет тилини ўқитишнинг барча соҳаларини ривожлантиришга жуда катта таъсир этувчи

куч ҳисобланади ва чет тил ўқитишнинг бир қанча муаммоларига ечим ҳамдир. С.Крашен чет тилини ўрганишда методлар қанчалик мухим аҳамиятга эга бўлса, чет тилини ўқитиш материалларининг ҳам қуйидаги талабларга жавоб бериши шунчалик мухим, деб ҳисоблайди. [4,100]

Материаллардаги **input** маънони тушунишга, қизиқарли бўлиши ва ўрганувчилар эҳтиёжига мос келиши, грамматик қоидаларсиз ўрганувчиларнинг чет тилини ўзлаштиришига ёрдам бера оладиган бўлиши керак, ёки бошқача қилиб айтганда, ўрганувчиларни чет тилини мана шундай **input** воситалари орқали эгаллашини таъминлаши зарур. Тил ўрганишга хизмат қиласдиган материаллар осон ўрганиладиган ва фойдаланиладиган қоидаларни ўз ичига олиши керак. С.Крашен тил ўқитиш материалларини танқид қилас экан, **input** ни ўз ичига олган материаллар йўқ, деган фикрдан йироқда туради ва мавжуд матнлар иккинчи ва чет тилларни ўрганишда фойдали бўлиши ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Шу сабабли, айрим материалларни қайта тузиб чиқиб, **input** ни ўзлаштиришга йўналтириш зарурлигини кўрсатиб берди. Янги материаллар энг асосий эҳтиёжни таъминлаши, яъни чет тилини бошланғич ва мустакил даражада эгаллаётган талабалар дарсдан ташқарида ҳам comprehensible **input** ни эгаллашига хизмат қилиши керак.

Чет тилини дарсдан ташқарида қўллай олмаслик кўзга яқол ташланадиган муаммо ҳисобланади. Чет тилини ўрганаётган талабалар учун эса бу жуда мухим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бу тилдан одатда фойдаланадиган ва иккинчи тил сифатида фойдаланадиган талабаларнинг ҳам мухим муаммосидир; чет тилини бошланғич даражада эгаллаган тингловчилар тил соҳибини суҳбатга чақириш компетенциясига эга эмас, радио ва телевизорни тушуна олмайди ёки ўқиганини тушуниб олиши қийин кечади. Шу сабабли, дарсларда қўлланиладиган материаллардаги **input** чет тилини тушунишга йўналтирилганлиги билан бирга, талабаларга чет тилидан аудиториядан ташқарида ҳам фойдаланишни ўргатади, деган фикрни бера олиши керак.

Ўқиши comprehensible **input** (мазмунни ўзлаштириш)ни таъминлайдиган энг қулай

восита бўлиб, қизиқиб ўқиш мазмунни ўзлаштиришни ўргатиш талабларига тўлиқ мос келади. Бугунги кунда чет тилини ўрганувчиларни айнан ўқишга мўлжалланган ўқув материаллари қониқтирмаётганлиги, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келмаётганлиги муаммоси ҳам юқорида қайд этилган принципларнинг ўқув материалларини тузишида ҳисобга олинмаганлигидир. Ўқув материаллари таркибида мазмунни тушунишга йўналтирилган маълумотлар етарли эмас, ҳаттоқи, чет тили дарслекларининг параграфини ўқишнинг ўзида мураккаб воказуляр ва қоидаларни учратиш мумкин. Дарслеклардан грамматик мавзулар тартиб билан жойлаштирилган, муаллифлар фақат талабанинг ўрганишига мўлжалланган грамматик қоидаларни киритган. Шу билан бирга, ўқишга оид материаллар киритилмаган. Чет тилини ўрганувчисига мазмунни тушунишга оид катта ҳажмдаги, қизиқарли ўқиш материали керак. Натижанинг кафолатланганлиги кўп жиҳатдан мотивацион омилларга боғлиқ. Агар талабаларда ўрганилаётган янги маълумотга нисбатан мотивация ҳосил қилинса, кўзланган таълим мақсадига эришиш кафолатланади.

Б. Томлинсоннинг илмий асарларида чет тили ўқув материалларини яратишида амал қилиниши зарур бўлган олтида асосий принцип кўрсатиб берилган:

- тингловчиларни чет тилидан амалий фойдаланишга ундейдиган бўлиши;
- input (мазмунни ўзлаштириш)ни таъминлаш хусусиятларини ўз ичига олиши;
- ўрганувчиларга коммуникатив мақсадларда тилдан фойдаланиш имкониятларини бериши;
- эришган натижалари бўйича тескари алоқа имкониятларини тақдим этиши;
- тингловчиларни қизиқтира олиши, дикқат ва эътиборини тортадиган, тил ўрганишга руҳлантирувчи таъсирга эга бўлиши;
- тил ўрганишда интеллектуал, эстетик ва эмоционал ҳис-туйғуларнинг иштирок этишини таъминлаши.

Шу ўринда биз чет тили таълими соҳасига кириб келаётган ёш мутахассислар чет тили ўқув материалларини танлаш ва тузишида қўйидаги принципларга амал қилишлари керак, деб ҳисоблаймиз:

- материалларда тасодифий тақрорланиш ҳолатлари бўлмаслиги ва илгари “энг яхши материал” сифатида машҳур бўлган китоблар андазасида тузилмаслиги керак. Аксинча, улар қўйидаги қоидалар асосида лойиҳалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- тилни ўзлаштириш ва унинг ривожланиши назарияси, ўқитиш принциплари;

- тингловчиларнинг тил тажрибасини ҳисобга олиш ва чет тилидан реал вазиятларда фойдаланишга мўлжалланган бўлиши;

- фойдаланилаётган материалларни мунтазам равишида таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш.

Шу билан бирга инглиз тили ўқув материалларини танлаш ва тузиш бўйича чет тили ўқитиш методикаси мутахассисларининг аниқ тавсия ва кўрсатмалари мавжуд. Биз уларнинг айримлари устида батафсил тўхталдик.

1. Инглиз тили материали тингловчилар эҳтиёжига мос келиши ва контекст бўйича тузилиши керак. Биринчидан, материаллар ўқув дастурига контекстуал равишида киритилиши керак [6. Р.1-2]. Лойиҳалаш босқичида таълим муассасасининг ўқув дастури, ишчи ўқув режаси мақсадларининг биринчи ўринга қўйилиши жуда муҳимdir. Бу материалларнинг ўқитилаётган курслар хусусиятларини ҳисобга олиш ва тақсимланиши керак бўлган катта луғат заҳиралари билан белгиланиши кераклигини англатади.

2. Материаллар, шунингдек, ўқувчиларнинг тил тажрибаларини ҳисобга олиши, реалликка асосланиши ва она тили билан боғлаб ўрганишга мўлжалланган бўлиши керак. Бу қоиданинг муҳимлиги ўқув адабиёти муаллифидан “ижтимоий-маданий вазиятларни мослаштириш”ни талаб этади, [2,111] яъни материалларни тақдим этишда ўқитувчи-дизайнернинг ўзига хос услуби бўлиши ва, энг муҳими, ўқувчиларга муҳим маданий тафовутлар мавжудлиги тўғрисида маълумот бериши керак. Бундан ташқари, материаллар мақсадли тил ўрганишга йўналтирилиши ва мазмунни ўзлаштиришни таъминлайдиган мавзуларни қамраб олиши ва контекстуал равишида тузилишига эътибор берилиши керак. Кўп ҳолатларда

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ўқув адабиётларида ёш хусусиятлари инобатга олинган ва тил ўрганиш босқичларида мавзулар – пул, оила ва байрамлар “эски умумий қадриятлар” тарзида берилган. Муаллиф вазифасининг бир қисми “ушбу мавзулар бўйича янги қирраларни топиш” ва шу билан тил кўникмаларини мақсадли равишда шакллантиришни таъминлайдиган фаолиятни ривожлантиришдан иборат.

3. Материаллар ўкувчиларнинг ўзаро интерактив фаолиятга ундаши ва тилшунослик нуқтаи назаридан генератив бўлиши керак. Д.Холл таърифлаганидек, “чет тилида эркин ва равон суҳбатлашишини ўрганган жуда кўп одамлар тил ўрганишга алоҳида вақт сарфламаганини кузатиш мумкин, чунки бу каби одамлар чет тилидан муайян коммуникатив мақсадда фойдаланишлари зарур бўлгани учун жуда

кўп реал коммуникатив вазиятларда иштирок этганлар” [2,9]. Мукаммал тил ўқитиши материаллари ҳам айнан шундай реал вазиятлардан таркиб топиши керак, ўкувчиларнинг синфдан ташқарида ҳам чет тилида ўзаро мулоқот қилишда фойдалана олишида ўз аксини топиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув адабиётлари ва материалларини яратишида чет тилини ўргатиш принципларини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Фикримизча, энг муҳим принцип “чет тилини ўргатиш тингловчиларнинг қизиқишилари ва эҳтиёжларига мос келиши керак” лиgidir. Шу ўринда чет тили материалини тузишда “материалдан ўқитувчи шунчаки дастур сифатида эмас, балки муҳим манба сифатида фойдалана олиши керак ”лиги ҳам энг муҳим принциплардан бири, деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар:**

1. Arnold, J. (ed.) 1999. *Affect in Language Learning*. Cambridge: Cambridge University Press.
2. Bolitho R., Jolly D.A Framework for Materials Writing. In Tomlinson, B. (ed.) *Materials Development in Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press. P. 90-115. 1998.
3. Hall D. *Materials production: Theory and Practice*. Singapore: SEAMO Regional Language Center. P-9. 1995.
4. Krashen S. *The Input Hypothesis*. London: Longman. P-100. 1985.
5. McGrath I. *Materials Evaluation and Design for Language Teaching*. Edinburgh: Edinburgh University Press. 2002.
6. Nunan D. *Principles for Designing Language Teaching Materials*. p. 1-2. 1988.
7. Tomlinson B. *Language acquisition and language learning materials*. In B. Tomlinson (ed.) *English Language Teaching Materials*. London: Continuum. 2008.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева –педагогика фанлари доктори, профессор).